Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 64 (4759).
20 МАРТ 1982 й
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

Ҳар бир кунимиз зарбдор бўлсин

• *17 апрель—коммунистик шанбалик куни*

ТЕЖАМЛИ МЕҲНАТ ҚИЛИБ

В. И. Ленин туғилган кунинг 112 йиллиги муносабати билан москваликларнинг 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини пойтахтимиз д а г и «Компрессор» заводи коллективи ҳам қизғин қўллаб-қувватлади. Завод қошида шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича штаб тузилди. Штаб программасига кўра Қизил шанбалик куни 850 ишчи ўз иш жойларида бўлиб, юксак унум билан қизғин иш бошлайдилар. Шу куни 70 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки кунларидан бошлаб тежамкорликка катта эътибор бериб келаётган завод меҳнатчилари меҳнат байрами кунини бир неча минг сўмлик маҳсулотни йил бошидан буён тежаб қолинган хом ашё ва материал ресурслари ҳисобига тайёрлаб бердилар. Шунингдек шу куни завод атрофини ободонлаштириш, 200 туп дарахт кўчатлари, 1500 туп яшил тўсиқлар ўтказиш, 10 тонна металлом ўнгиш кўзда тутилган.

СССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун завод меҳнаткашлари ўз зиммаларига тўла ва оширилган мажбурият олиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.



ЭРТАГА —УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КУНИ.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспектида рангли телевизорларни ўрнатиш ва ремонт қилиш билан шуғулланадиган янги «Камалак» телеателъеси ишга тушурилди. Корхона энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

СУРАТДА: ателъенинг ишчан радиомеханикларидан (чапдан—ўнгга) Владимир Денисов ва Акбар Мусаев.

М. Нуриддинов фотоси.

ЧИРОЙ БАХШ ЭТАДИ

Кенг истеъмол буюмлари фабрикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хилини кўпайтириш соҳасида қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Корхона коллективи буюк мамлакатимизнинг шонли юбилейи йилида ўндан ортиқ номда янги маҳсулотларни кенг миқёсда ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

Куни кеча ана шундай янги хилдаги маҳсулотлардан яна бири ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу деворга осиладиган гиламчалар бўлиб, у ўз кўркамлиги ва сергуллиги билан уй деворига ўзгача чирой бахш этади.

Корхона ишчилари «Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз!» шиори остида меҳнат қилишмоқда. Х. Нурмухамедов, М. Абдурахмонова, В. Заговедшенкова, Қ. Насруллаева сингари ўнлаб ишчилар эса айни пайтда 1983 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР АСОСИДА

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XVII СЪЕЗДИДА

18 мартда СССР касаба союзлари съездида Грузия касаба союзлари республика Советининг раиси **Т. И. Мосашвили** Грузияда социалистик мусобақани ташкил этиш борасида тўпланган тажриба тўғрисида делегатларга гапириб берди. У Грузия ССРда социалистик мусобақани мувофиқлаштириш масаласи билан шуғулланувчи республика маркази ташкил этилганлигини ва мазкур марказ партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг куч-ғайратини ягона фронтга бирлаштирганлигини айтди.

Иркутск областидаги «Гидроэлектромонтаж» трестнга қарашли Братск монтаж бошқармасининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Л. А. Лазарев** социалистик мусобақани ривожлантириш, илғорлар тажрибасидан фойдаланиш, иқтисодий омиллар таъсирчанлигини ошириш масалаларига тўхталиб ўтди. У махсус коржомалар сифатини ошириш, сибирлик қурувчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш тўғрисидаги масалалар хусусида гапирди.

Озарбайжон касаба союзлари республика Советининг раиси **Л. Х. Расулова** меҳнаткашларни аҳлоқий тарбиялаш соҳасида Озарбайжон касаба союзлари олиб бораётган ишлар тўғрисида гапирди. Ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларнинг янги форма ва методларини қидириб топиш ишимизга асос қилиб олинган, деди у.

Хабаровск касаба союзлари ўлка Советининг раиси **А. Е. Дубков** жадал ривожланаётган экономиканинг хусусиятларини, ўзгариб бораётган меҳнат характерини ва катта социал ўзгаришларни тўлароқ ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Ленинграддаги «Кировский завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта вальцовкачиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **И. Я. Прокофьев** хўжалик раҳбарлари ва касаба союз комитетлари илғор иш шаклини жорий этиш ва такомиллаштиришда ҳамиша ҳам керакли матонат ва масъулият кўрсатмаяптилар, деб қайд этиб ўтди. Нотиқ хўжалик ҳисобидаги бригадаларни тузиш, уларнинг иш натижаларини анализ қилиш ва бу натижаларга баҳо бериш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш мақбуллигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси **И. Ф. Шкуратов** озиқ-овқат программасини амалга оширишда касаба союз ташкилотларининг қатнашуви тўғрисида гапирди.

Туркманистон касаба союзлари республика Советининг раиси **О. И. Эшонқулиев**ининг нутқида ўн биринчи беш йилликда республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришда янги бир қадам қўйилади, деб таъкидлади. Жумладан Туркманистонда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилади.

«Литературная газета»нинг бош редактори **А. Б. Чаковский** тинчлик ва социализм душманларининг агрессив режалари тўғрисида гапириб, тарихнинг далолат беришича, қонли урушдан олдин ҳамиша актив идеологик тайёргарлик олиб борилади, деб таъкидлади. Шу муносабат билан нотиқ совет ёзувчиларининг вазифаси — идеологик душманларнинг ҳуружларига актив қарши туриш, уларни фош қилиб ташлашдан иборат, деди.

Ишчи авлод вакиллари— пойтахт ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари СССР касаба союзларининг XVII съездини табриклашдилар.

Касаба союз ташкилоти, деди Кама оғир юк ташувчи автомобиллар ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси **Н. Ф. Галиуллин**, автомобилсозлар яхши ишлашлари ва фаровон яшашлари учун кўп иш қилмоқда. Бирлашманинг жуда катта ва тобора ўсиб бораётган потенциалидан янада самарали фойдаланишни бош вазифа қилиб қўйган социалистик мусобақани такомиллаштиришга эътибор берилмоқда.

Литва касаба союзлари республика Советининг раиси **А. А. Ференсас** меҳнат коллективлари, районлар, умуман республиканинг бир йилга ва беш йилликка мўлжалланган социалистик мажбуриятларини ишлаб чиқиш тажрибаси, уларнинг бажарилишини ташкил этиш практикаси билан ўртоқлашди. У бундай практиканинг такомиллаштириш билан боғлиқ бир канча таклифларни ўртага қўйди.

Маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси **Г. П. Сорокина** аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига эътиборни кучайтириш кераклиги тўғрисида гапирди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **В. В. Еремеев** Саратов областидаги Балаково автоколоннасида 38 йиллан бери шофёр бўлиб ишлайди. У съезд минбарида туриб электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиб доп ва бошқа қишлоқ хўжалик юкларини ташишда автотранспорт ишига ягона оператив раҳбарлик қилишнинг Саратов системасини қўлланиш тажрибаси тўғрисида гапирди.

СССР соғлиқни сақлаш министри **С. П. Буренков** айниқса қишлоқда даволаш муассасалари тармоғини ривожлантиришга, санитария-курорт муассасалари иши самарадорлигини оширишга, илм-фан ютуқларини практикага жорий этишга, кадрлар тайёрлашга, соғлиқни сақлаш системасини такомиллаштиришнинг бошқа масалаларини ҳал этишга қаратилган асосий йўналишлар тўғрисида гапирди.

Кемерово область касаба союзлари Советининг раиси **Б. И. Окушко** озиқ-овқат программасини ҳал этишда касаба союзлари ролини ошириш, корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларини, коллектив боғдорчилик ва томорқачиликни ҳар тарафлама ривожлантириш зарурлигини айтди.

Руминия касаба союзлари умумий бирлашмаси Марказий Кенгашининг раиси **Корнел Онеску**, Умумпольша тармоқ касаба союзлари ҳамкорлик комиссиясининг раиси **Евгениуш Мельницкий**, Монголия касаба союзлари Марказий Кенгашининг раиси **Гомбожавин Очирбат**, Лаос касаба союзлари федерациясининг раиси **Санан Сутхичак**, Корея Бирлашган касаба союзлари Марказий Комитетининг раиси **Ким Бон Дю**, Югославия касаба союзлари иттифоқ кенгаши президиумининг аъзоси **Мика Шпиляк**, Франция умуммеҳнат конфедерациясининг секретари **Мишель Варшолак**, Сурия ишчилар касаба союзи умумий федерациясининг раиси **Иззиддин Носир** съездни табрикладилар.

Меҳмонлар съездда ўртоқ Л. И. Брежнев баён этиб берган янги тинчлик ташаббусларини юксак баҳоладилар. Улар совет раҳбарининг нутқида жаҳоннинг энг муҳим проблемаларига аниқравшан жавоб берилганлигини таъкидладилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев инсоният бахт-саодати йўлидаги олижаноб фаолияти учун Жаҳон касаба союзлари федерациясининг Олтин медали билан мукофотланганлиги дунёдаги барча мамлакатлар меҳнаткашлари ҳоҳиш-иродасининг ифодасидир.

Ялпи мажлисда СССР касаба союзлари XVII съезднинг ВЦСПС ҳисобот доклади юзасидан резолюцияси лойиҳасини тайёрловчи комиссия тузилди.

Йиғилиш аҳли СССР касаба союзлари XVII съезднинг жаҳон меҳнаткашлари ва касаба союзларига мурожаатномасини яқдиллик билан қабул қилди. Мазкур ҳужжатда ишчилар бирдамлигининг бутун қудратидан фойдаланиб халоватли қуролланиш пойгаси йўлини тўсайлик, инсониятни жаҳон термоядро фалокати ёқасига олиб келиш хавфини туғдираётган агрессия ва милитаризм кучларига қарши биргаликда қатъий ҳаракат қилайлик, деб барча мамлакатларнинг меҳнат аҳли ва касаба союзлари қатъий даъват этилган.

Съездлар Саройида йиғилганлар **П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи марказий комитетининг раиси **И. А. Ланшин** ялпи мажлисда сўзга чиқиб, қурилиш коллективларининг турдош корхоналар билан ўзаро алоқасини такомиллаштириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди. Нотиқ мамлакатдаги энг яхши қурилиш ташкилотларининг илғор меҳнат усуллари ва методларини жадал ўрганиш ва ёйиш зарур, деди. Латвия касаба союзлари республика Советининг раиси **А. К. Зитманис** республика маҳаллий саноат министрлиги ва тармоқ касаба союз комитетининг иш тажрибаси тўғрисида гапириб берди. Министрликнинг ўзида ва корхоналарда бир қанча ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилиб жорий этилди, ҳар бир ишлаб чиқариш ташкилотчисининг меҳнат мусобақасини авж олдиришдаги вазифаси ва роли аниқ белгилаб берилди.

Шу беш йилликда Пенза машинасозлик заводининг токари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ю. В. Седов** областнинг илғор коллективларида меҳнат рақобатини ташкил этиш тажрибаси, уни жорий этиш асосий йўналишлари тўғрисида гапирди.

Молдавия мамлакатда олдингилардан бири бўлиб, хўжалик юритишнинг янгича шаклини ўзлаштирди — агросаноат комплексларини тузди. Молдавия касаба союзлари республика Советининг раиси **Г. И. Еремей** тобора мураккаблашиб бораётган вазифаларни ҳал этишда, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларнинг манфаатларини бир-бирларига янада яқинроқ боғлаш муҳимлигини алоҳида уқтирди.

Москва область Новопетровск районидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Т. П. Прохорованинг** фикрича ҳамма ерда, ҳар бир касаба союз комитети ҳузурида оила ва мактабга ёрдам бериш комиссиялари тузилмоғи керак. Бола тарбиясида шу комиссияларнинг роли ва масъулиятини ошириш лозим — бу нарса мактаб билан жамоатчиликнинг алоқасини анча мустаҳкамлашга имкон беради.

Съездда илмий-техника жамиятлари Бутуниттифоқ Советининг раиси академик **А. Ю. Ишлинский**, В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг директори **Л. В. Радюкевич**, касаба союзлар Свердловск область Советининг раиси **Е. А. Коровин** ва бошқалар нутқ сўзладилар.

Меҳмонлар — миллий касаба союз марказлари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари съездни табриклашдилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

ҚАРДОШЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАЙДИ

ТОШКЕНТДА «ДЎСТЛАРИМИЗ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУЗИКА САНЪАТИ ФЕСТИВАЛ ИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия ва Совет Иттифоқидан келган эстрада усталари Ўзбекистон меҳнаткашларига тақдим этган асарлар социалистик мамлакатлар халқларининг қардошларча дўстлиги, тинч бунёдкорлик меҳнати, бахти тўғрисидаги қувончли, улуғвор қўшиққа айланди. Меҳмонлар турли тиллардаги қўшиқларни бирлаштирган бу программани давлатимиз тарихидаги шонли сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига туҳфа этдилар. 19 март куни мазкур программа Тошкентдаги энг яхши концерт зали — В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройи саҳнасидан илк бор янгради. Бу ерда «Дўстларимиз тароналари» халқаро музика санъати фестивали тантанали равишда очилди.

Ўзбекистон пойтахти меҳмонларини меҳнат коллективларининг, ўқувчи ёшлар, ижодий ташкилотларнинг вакиллари қизғин табриклашдилар. Улар ўз нутқларида бугалги музика байрами шубҳасиз мамлакатларимиз ҳамдўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, томошабиларни социализмнинг ёрқин йўлидан бораётган ҳар бир халқнинг замонавий, миллий санъати эришган энг яхши ютуқлар билан таништиради. Мамлакатнинг турли шаҳарларида намойиш этиладиган бу эстрада программаси Тошкентда — кўпгина халқаро анжуманлар ўтган шаҳарда, халқлар дўстлиги ва қардошлигининг тимсоли бўлиб қолган шаҳарда илк бор янграганлиги ғоят рамзий маъноға эга.

...Зал гумбазлари остида дастлабки байрам садолари янгради. «Русская песня» ансамблининг вокал группаси ва Литва ССРда хизмат кўрсатган артист Юозас Тишкус раҳбарлигидаги «Эстрада тароналари» ансамбли ижрочиларининг турли тилларда янграган қўшиқларни ягона композицияга айлантиришларига кўмаклашади.

Тошкентда дўстлик тароналари 10 кун янграйди. Бу тароналарни Ўзбекистоннинг ўн мингдаг меҳнаткашлари тинглайди. Дўстлик тароналари улуғ Ленин номидаги саройдагина эмас, балки саноат корхоналарида, колхозлар ва олий ўқув юртларида ҳам баралла жаранглайди. Республикамизда фестиваль катнашчилари билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтади. Меҳмонлар ўз халқларининг музика маданияти тўғрисида гапириб берадилар, ижодий режалари билан ўртоқлашадилар. «Дўстларимиз тароналари» фестивали — бу, хонандалар ва созандаларнинг яқдил фикрига кўра, ҳар бир ижрочига социализм мамлакатлари халқларининг ўзига хос санъати билан янада чуқурроқ танишиш имконини берадиган ажойиб ижодий лаборатория бўлиб, бадиий ифоданинг янги-янги формалари ва воситаларини қидириб топишда янада қалин ҳамкорлик қилишни мақсад қилиб қўйган. Фестиваль программасида планетада тинчликни мустаҳкамлашга даъват этувчи жўшқин қўшиқлар, инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашда ўз ҳаётини қурбон қилган қаҳрамонлар тўғрисидаги қўшиқлардан тортиб чуқур лирик ашулаларгача бўлган турли ижодий услублар, жанрларда ва тузилиши жиҳатидан хилма-хил асарлар янграйди. Бироқ, уларнинг ҳамма сининг энг муҳим нарса тўғрисида, ҳозирги вақтда қардош мамлакатларнинг халқлари қандай яшаётганлиги, уларнинг Ер юзида тинчлик бўлиши учун интилаётганлиги тўғрисида гапириб бериш истаги бирлаштирган.

«Тинчлик», «Дўстлик», «Тенглик» — бугунги кунда ҳар бир совет кишиси учун азиз ва қимматли бўлган бу тушунчаларни дўстларимиз ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрами билан музика тилида ўзига хос усулда табриклаб ифода этдилар.

(ЎзТАГ).

• *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

МАЙДА-ЧУЙДАЛАР БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейига тайёргарликнинг боришини назорат қилиш шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. ф. Козимов олиб борди.

Бу борада Собир Раҳимов районида био мунча ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзидагина 120 минг квадрат метрдан зиёд турар жой, мактаб, болалар боғчаси фойдаланишга топширилди, олий ўқув юртлари шаҳарчаси территориясида 3442 ўринли ётоқхоналар бунёд этилмоқда. Ободонлаштириш ишларига муҳим эътибор берилятпти, микрорайонларда саломатлик шаҳарчаларини бунёд этишга эътибор қаратилятпти, Абдулла Набиев ва Ойбек маҳаллалари аҳолиси намунали деган номни олиш учун курашмоқдалар.

Бироқ, етарли назоратнинг йўклиги сабабли Ўрозбоев кўчасидаги гастрономни фойдаланишга топириш бардбод бўлди, 1/4 Қоракамиш микрорайонидаги болалар боғчаси фойдаланишга топширилмади, Чимбой кўчасидаги ихтисослаштирилган ва саноат моллари магазинлари қурилиши бошланганича йўқ. «Марказ— 17», «Марказ— 18», Б—1 кварталларидаги қурилиш ишлари сусткашлик билан олиб борилмоқда. Ҳали барча корхона ва ташкилотлар ободонлаштириш ишларига қўшилди деб бўлмайди. Буларга мисол қилиб 9-темир-бетон буюмлари заводи, агрегат ва экскаватор ремонти заводлари, шаҳар китоб савдосининг базаси коллективларини келтириш мумкин.

Тузиб чиқилган график бўйича ҳар бир бино, йўл, ирригация тармоқларини ремонт қилишга аллақачон киришиш лозим эди, кўчаларнинг ички кварталларини тунда ёритишда тартиб ўрнатиш керак. Корхона ва ташкилотларнинг маблағларини уларга туташ бўлган территорияларни тозалаш, кўкаламзорлаштиришга активлик билан сарфлаш, аҳоли ўртасида микрорайонларни намунали ҳолга келтириш бўйича ишларни аллақачон жонлантириб юбориш лозим эди.

Тошкентнинг 2 минг йиллигига тайёргарлик бўйича бир қатор тадбирларни маданият бошқармаси ҳам амалга ошириб, Бироқ, бу ерда ҳам бир қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуддир. 1981 йили капитал ремонтдан чиқарилиши керак бўлган 12 та маданият уйидан бор-йўғи тўққизтасида бундай ишлар амалга оширилди. Шунга ўхшаш ҳолни шу йилнинг биринчи кварталида ҳам кўриш мумкин.

10 та кутубхонанинг ҳолати қониқарсиз эканлиги айниқса кишида ташвиш уйғотади. Булар қаторига Куйбишев районидаги Титов номли, Ҳамза кўчасидаги 12-кутубхона, Октябрь районининг Оренбург кўчасидаги кутубхона киради. Бу ерда китоб витриналари жиҳозланмаган ёки бундай витриналарнинг ўзи умуман йўқ, китобхонлар учун қулайликлар яратилмаган.

Куйбишев районидаги Котик номли маданият ва истироҳат боғида, Ленин районидаги 1 Май номли ва Горький номли маданият ва истироҳат боғида территориялар тозаланмаган, кичик архитектура формалари ёмон аҳволда. Комиссия аъзолари маданият бошқармаси белгиланган тадбирларни конкретлаштириши лозимлигини қайд этдилар, бунда фасадлар ремонтига, объектларни ташқи жиҳатдан безашга, парклар, маданият уйлари, кутубхоналарнинг санитария ва эстетик ҳолатини яхшилашга асосий эътиборни қаратдилар.

Шу масала бўйича Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасида ҳам тадбирлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Маҳсулотни реализация қилиш бўйича 1981 йилги план ва социалистик мажбуриятлар 25 декабрда бажарилди, буюмларнинг янги 72 хили ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан бир неча минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Лекин шу билан бир қаторда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводида кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар бажарилмаётир, корхона территорияси ёмон супурилади. «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида эса белгиланган тадбирлар конкрет характерга эга эмас. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ана шу боисдан белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги юзасидан қатъий контроль ўрнатиш даркор.

Мажлисда шунингдек йигирма каватли маъмурий бинодан фойдаланиш бошқармасининг электр ва иссиклик энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлари ҳақидаги ахборот ҳам тингланди.

Қизил байроқли коллективларда

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлида

«Ўзбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмасига ишлаб чиқариш самарадорлиги, иш сифатини ошириш ҳамда иқтисодий ва социал ривожланиш давлат планини муваффақиятли бажариш учун 1981 йил республика социалистик мусобақасида энг юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Коллективга байроқни кеча бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети оғир саноат ва машинасозлик бўлимининг мудири Ғ. Х. Қодиров топширди.

Беш йиллиқнинг биринчи йилида бирлашма коллективи ялпи маҳсулот бўйича йиллик топшириққа нисбатан 3 миллион сўмлик кўп маҳсулот, шу жумладан 1,7 миллион сўмлик маданий-маиший товарлар ишлаб чиқарди. Пландан ташқари реализация 1,4 миллион сўмни ташкил этди. Бирлашма корхоналарида меҳнат унумдорлиги 1980 йилга нисбатан 107 процентга ошди. Бунинг ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг бирмунча юксалиши таъминланди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан бирлашма бош директори А. Мелькумов, Олмалиқ рўзғор химияси заводи аэрозол цехининг ишчиси В. Скидан, Тошкент синтетик кир ювиш воситалари заводининг смена бошлиғи А. Агабабьян, тажриба-экспериментал цехи қуюв участкасининг бошлиғи Э. Бозорбоев ва бошқалар уларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматимизга миннатдорчилик изҳор қилдилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йили учун ўз зиммаларига, коллектив зиммасига олинган юксак мажбуриятлар ҳақида гапирдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Г. Халилов бирлашма коллективини меҳнат ғалабаси билан табриклади.

Бирлашма меҳнатчилари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номига табрик хатини йўлладилар. Юксак мукофотга жавобан 1982 йилда илгари қабул қилинган мажбуриятга қўшимча равишда полиэтилен қувур ишлаб чиқариш бўйича ишга туширилдиган қувватларни муддатидан уч ой илгари ўзлаштирамиз, ана шу маҳсулотдан пландан ташқари 50 тонна ишлаб чиқарамиз, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йилликнинг икки йили планини 10 декабрга қадар адо этамиз, дейилади жумладан унда.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бирлашмада намуналар яратилади ва халқ истеъмоли учун 60 хил янги буюмни саноат миқёсида ишлаб чиқариш ташкил этилади.

тонгги газеталарда

△ 19 март куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Хнеупек ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

△ Ўзбекистоннинг неча мингдаб аҳолиси ҳар куни маиший хизмат ва коммунал хўжалиги ходимлари меҳнатининг самарасидан баҳраманд бўлмоқда. Халқ хўжалиги шу тармоқларининг меҳнатчилари ҳурмат ва иззат қилинмоқда. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати холис хизмат соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Уй-жой-коммунал хўжалик ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни арафаси — 19 март куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XVII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг X сессияси 1982 йил 25 март соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида очилади (Ўзбекистон кўчаси, 9 уй).

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 14.00 дан рўйҳатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Такси чақирмоқчи бўлсангиз...

1982 йил 22 мартдан бошлаб «Главташпассавтотранс» буюртмалар бюроси орқали ягона 0—62 телефон номери жорий этилади.

Шу кунга қадар амалда бўлган 399901 дан тортиб 399909 гача бўлган телефон номерлари бекор қилинади.

Такси чақиришнинг ушбу тартиби Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг шаҳар пассажир транспорти барча турлари ишини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси ҳамда «Главташпассавтотранс» томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жорий этилятпти.

Такси чақиришга доир справкаларни 351816 ва 354712 телефонлари орқали олиш мумкин.

Таксини квартиралардаги ва ишхоналардаги телефонлар орқали, шунингдек шаҳарнинг турли қисмида жойлашган диспетчерлик станциялари орқали чақириш мумкин.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ЭКОНОМИКА ПРОПАГАНДИСТЛАР ЭТИБОРИДА

Бизнинг бирлашмамиз коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ эта бориб, СССР 60 йиллигини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олиш учун фидокорона ишламоқдалар. Маълумки, бирлашмамиз районда биринчилар қаторида «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берган эди. Меҳнат ютуқлари қун сайин кўпайяпти. Бунда пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, идеология активистларининг катта ҳиссаси бор.

Партиямиз XXVI съездида «Экономика тежамли бўлиши керак» шиори ўртага ташланди. Биз, пропагандистлар съезд даъватини, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида идеология ишлари савиясини янада кўтаришга интилямиз. Биз сиёсий маориф шаҳобчалари машғулотларида, суҳбат ва лекцияларда асосий эътиборни меҳнат коллективлари ўртасида туғилаётган янги ташаббуслар кенг ёйишга, коллектив ҳаёти ичига чуқур кириб боришга ҳаракат қилаяпмиз.

Пропагандист л а р учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бирлашма партия комитети бизга ёрдам тариқасида бирлашма иш якунлари бўйича материаллар, меҳнат коллективларининг ватанпарварлик ташаббуслари ва оширилган социалистик мажбуриятлари ҳақидаги материаллар билан таъминлаган.

Тингловчиларга олдимизда турган муҳим вазифаларни кенг тушунтириб беряпмиз. Мен ўзим 22-цехда илмий коммунизм мактабида пропагандистлик қиламан. Шуни айтиш керакки, биринчи галда тежамли экономика учун курашга эътиборни қаратяпмиз. Тингловчиларнинг ўзлари машғулотларда муҳокама этилаётган масалаларга шу даражада қизиқиш билан қарашадики, уларнинг қўплари тежамкорлик юзасидан амалий таклифлар киритишади. Масалан, яқинда юпқа қувурларни қўллаш таклифи қимматбаҳо материални 40 процент тежаб қолиш имконини берди. Қирқиш режимини кучайтириш юзасидан киритилган таклиф ҳам меҳнат унумдорлигини анча оширди. Материаллар сарфи камайди. Асобларнинг мустаҳкамлиги 30—40 процент ошди.

Кўнгина тингловчилар кўпстанокчилик ҳаракатига қўшилганлар. Бу ҳаракат ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ҳамда малакали ишчиларни бошқа участкаларга ўтказиш имконини беряпти. Бизнинг цехимизда КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннопов ишлайди. Унинг шахсий намунаси кўпларни бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ меҳнат қилишга ундамоқда. Менга айниқса, унинг съезддан олган таассуротларини тўлқинланиб гапириб берганлари кучли таассурот қолдирган. Кейинчалик эса у билан бир неча бор суҳбатлашдим. Бу эса мени съезд ғояларини, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатма ва тавсияларини меҳнат коллективларига чуқур сингдиришга ёрдам берди.

Авиасозлар юбилей йилида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга интилмоқдалар. Бунда социалистик мусобақани янада кучайтириш ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Экономикани тежамли қилишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этяпти. Ҳозир ишчиларнинг мутлоқ кўпчилиги ана шундай бригадаларда ишламоқдалар. Бригада усулида ишлаётганлар меҳнат унумдорлигини 15 процент оширишга эришмоқдалар. «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида қизғин давом этаётган мусобақада янгича усулда ишлаётган бригадалар айниқса катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Бирлашмамизда «Экономика тежамли бўлиши керак» мавзуида илмий-амалий конференция ва суҳбатлар бўлиб туради. Уларда етакчи мутахассислар бу масала ичига чуқур кириб боришяпти. Бу эса биз, пропагандистлар учун муҳим дастуруламал бўлмоқда. Биз бу ишга бутун қалб қўримиз, билимимизни бағишлаяпмиз.

Г. ДИНАБУРСКИЙ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандисти.

МЕҲНАТНИ ШАРАФЛАБ

«СССР 60 йиллигини муносиб тухфалар билан кутиб оламиз!» Бугунги кунда ушбу сўзлар бир ёки иккі корхонанинггина эмас, балки бутун мамлакатимиз меҳнаткашларининг ягона шиорига айланди.

Пойтахтимиз саноатчилари ҳам юбилейга бағишланган Бутуниттифоқ ҳаракатининг олдинги сафларида бормоқдалар. Ҳозир шаҳримизда қутлуғ санага бағишланган зарбдорона меҳнат руҳи ҳукм сурмаган бирор корхонани топиш қийин. «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5—филиалида ҳам ана шундай кўтаринкиликнинг гувоҳи бўлдик.

— Коллективимиз, — дейди филиал бошлиғи Р. Шомуротов, — ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида қувончли кўрсаткичларни қўлга киритди. Ҳаммаси бўлиб 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, йиллик планни муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдик.

Филиалда 130 киши ўнта бригадага бўлиниб меҳнат қилади. Меҳнат ветеранлари, тажрибали мураббийлар билан бир қаторда кўплаб ёш тикувчилар ҳам тер тўкмоқдалар. Ўнлаб коммунистик меҳнат зарбдорлари, шу номни олиш учун фидокорлик кўрсатаётган бригада ва тикувчилар меҳнати таҳсинга лойиқ бўлмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тажрибали тикувчилар, меҳнат ветеранлари ёшларга ҳамиша бош-қош бўлиб келмоқдалар. Ўттиз йилдан бери шу касбни шарафлаб келаётган коммунистик меҳнат зарбдорлари Р. Кутузова, Н. Алатрева, йигирма беш йиллик иш тажрибасига эга бўлган З. Фомичева, И. Скарезиналар филиалдагина эмас, бутун бирлашмада ёшларнинг меҳрибон мураббийлари сифатида катта ҳурмат-эътибор қозонишган.

Филиалда ана шу мураббийлардан сабоқ олган чеварлардан тузилган коммунистик меҳнат зарбдори Л. Авлиёхонова бошлиқ 10-комсомол-ёш л а р бригадаси эришаётган муваффақиятлар қўрилишида бўлиб, бир неча суратлар олиб қайтди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган юқоридаги суратда мармар ёпиштирувчи (чапдан—ўнгга) Фарид Даутов билан бўёқчилар бригадаси бошлиғи Григорий Геренков тасвирланган. Пастдаги суратда Тошкент медицина институтининг янги шифохона комплексининг ўнг томондаги корпуси кўриниши тасвирланган.

ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Яна бир даволаш комплекси

(ФОТОРЕПОРТАЖ)

Бугунги кунда ТошМИ массиви бутунлай ўзгача қиёфа касб этган. Бу ерда Тошкент медицина институтининг янги корпуслари массив кўркига кўрк қўшиб турибди. Институт учун янги корпусларни қуриш давом эттирилмоқда. Ҳозирда шундай корпуслардан тўққизтаси мавжуд. Қурувчилар яна бир ажойиб архитектура кўринишига эга бўлган тўртта корпусни бирлаштирувчи янги шифохона биносида монтаж ишларини ниҳоясига етказдилар. Бу ишларни Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 6-трестига қаранли 7-қурилиш бошқармаси монтажчилари муддатидан илгари адо этдилар ва пардозловчилар учун иш фронтини очиб бердилар.

Бугунги кунда пардоз ишларини Пардозлаш трестининг 29-қурилиш бошқармаси сайқалчилари олиб боряпти. Улар тўртта корпусдан иккитасини пардоздан чиқардилар. Ҳозир эса қолган корпусларда сайқал ишларини жадал суръатларда олиб боришяпти. Пардозчилар СССРнинг 60 йиллик юбилейи шарафига ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олганлар. Бу ҳам бўлса, сайқал ишларини муддатидан илгари тугаллаб, шифохона комплексини барвақт ишга туширишдир.

Янги шифохона комплексида операция ва даволаш бўлимлари жойлашади. Корпуслар бир-бири билан туташганлиги учун ҳам бу ерда намунали медицина хизмати кўрсатиш, беморларни даволаш борасида қулай имкониятлар туғилади.

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтаётган меҳнат беллашувида Файзулла Ҳамидуллаев, Фарид Даутов, Григорий Геренков каби сайқалчилар кунлик топшириқларини 1,5 баробар бажаришиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Пардозчиларга 63-ҳунар-техника билим юртининг бўёқчилик группаси ёрдам бермоқда. 30 нафарга яқин бўлажак ёш қурувчилар тажрибали бунёдкорлардан сайқал ишларининг сир-асрорларини ўрганишмоқда. Улар икки ойлик ишлаб чиқариш практикаси давомида жиҳозларнинг ишларини тўла ўзлаштириб оладилар.

Жамоатчи фотомухбиримиз Х. Мирзакаримов мазкур объектлар қурилишида бўлиб, бир неча суратлар олиб қайтди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган юқоридаги суратда мармар ёпиштирувчи (чапдан—ўнгга) Фарид Даутов билан бўёқчилар бригадаси бошлиғи Григорий Геренков тасвирланган. Пастдаги суратда Тошкент медицина институтининг янги шифохона комплексининг ўнг томондаги корпуси кўриниши тасвирланган.



БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Юбилейга муносиб туҳфа

Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига ўтишга қатъият билан амал қилиб бир қанча иқтисодий ишлар амалга оширилди.

Съезд йўналишларида ҳам алоҳида уқтирилган бу иш бўйича ҳамма цехлар, бригадаларда махсус йиғилишлар бўлиб ўтди. Бригадирлар совети сайланиб, бирлашмаларни кенг ёйишга, коллектив ҳаёти ичига чуқур кириб боришга ҳаракат қилаяпмиз.

Пропагандист л а р учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бирлашма партия комитети бизга ёрдам тариқасида бирлашма иш якунлари бўйича материаллар, меҳнат коллективларининг ватанпарварлик ташаббуслари ва оширилган социалистик мажбуриятлари ҳақидаги материаллар билан таъминлаган.

Тингловчиларга олдимизда турган муҳим вазифаларни кенг тушунтириб беряпмиз. Мен ўзим 22-цехда илмий коммунизм мактабида пропагандистлик қиламан. Шуни айтиш керакки, биринчи галда тежамли экономика учун курашга эътиборни қаратяпмиз. Тингловчиларнинг ўзлари машғулотларда муҳокама этилаётган масалаларга шу даражада қизиқиш билан қарашадики, уларнинг қўплари тежамкорлик юзасидан амалий таклифлар киритишади. Масалан, яқинда юпқа қувурларни қўллаш таклифи қимматбаҳо материални 40 процент тежаб қолиш имконини берди. Қирқиш режимини кучайтириш юзасидан киритилган таклиф ҳам меҳнат унумдорлигини анча оширди. Материаллар сарфи камайди. Асобларнинг мустаҳкамлиги 30—40 процент ошди.

Кўнгина тингловчилар кўпстанокчилик ҳаракатига қўшилганлар. Бу ҳаракат ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ҳамда малакали ишчиларни бошқа участкаларга ўтказиш имконини беряпти. Бизнинг цехимизда КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннопов ишлайди. Унинг шахсий намунаси кўпларни бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ меҳнат қилишга ундамоқда. Менга айниқса, унинг съезддан олган таассуротларини тўлқинланиб гапириб берганлари кучли таассурот қолдирган. Кейинчалик эса у билан бир неча бор суҳбатлашдим. Бу эса мени съезд ғояларини, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатма ва тавсияларини меҳнат коллективларига чуқур сингдиришга ёрдам берди.

Авиасозлар юбилей йилида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга интилмоқдалар. Бунда социалистик мусобақани янада кучайтириш ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Экономикани тежамли қилишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этяпти. Ҳозир ишчиларнинг мутлоқ кўпчилиги ана шундай бригадаларда ишламоқдалар. Бригада усулида ишлаётганлар меҳнат унумдорлигини 15 процент оширишга эришмоқдалар. «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида қизғин давом этаётган мусобақада янгича усулда ишлаётган бригадалар айниқса катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Бирлашмамизда «Экономика тежамли бўлиши керак» мавзуида илмий-амалий конференция ва суҳбатлар бўлиб туради. Уларда етакчи мутахассислар бу масала ичига чуқур кириб боришяпти. Бу эса биз, пропагандистлар учун муҳим дастуруламал бўлмоқда. Биз бу ишга бутун қалб қўримиз, билимимизни бағишлаяпмиз.

Г. ДИНАБУРСКИЙ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандисти.

2 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

20 МАРТ, 1982 й.

Ҳабиб Нуъмон туғилган куннинг 70 йиллигига

Журналист ва ёзувчи—



Ўзининг бутун ҳаётини, ижодий фаолиятини матбуотимиз, маданиятимиз ривожига бағишлаган журналист-ёзувчи Ҳабиб Нуъмон 1912 йили Тошкентда ўртаҳол деҳқон оиласида туғилди. У ўз ижодий фаолиятини 1928 йилдан бошлади. 1929—1931 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг ишчилар факультетида ўқиди. Ўқиш билан айни вақтда Ўзбекистон радиосида муҳбир ва саноат бўлимининг мудири бўлиб ишлади. Кейин у «Қизил Ўзбекистон» ва «Колхоз йўли» газеталари редакциясида меҳнат фаолиятини давом эттирди.

Ҳабиб Нуъмон Улуғ Ватан уруши йилларида Қизил Армия сафида бўлиб, Ўрта Осиё ҳарбий округининг «Фрунзевец» газетасида хизмат қилди. Урушдан кейинги йилларда у «Совет Ўзбекистони» газета редакциясида қишлоқ хўжалиги бўлимини бошқаради. Газетада ишлаш журналист-ёзувчига қайноқ ҳаёт қўйнида бўлишга имкон берди. У республикамизнинг оташқалб, саховатли кишилари орасидан янгиянги қаҳрамонлар топади. Шуларнинг натижаси ўлароқ ёзувчининг «Ўзгариш», «Таассуф», «Насиба» каби қатор ҳикоялари, қўплаб очерклари юзага келди.

Ҳикоя ва очеркда қаламини яхши қайраб олган Ҳабиб Нуъмон энди қаттароқ жанрда —қиссачиликда қучини синашга жазм қилади. Натижада ёзувчининг 1955 йилда «Фасллар» ва 1959 йилда «Ёшликда берган кўнгил» асарлари босилиб чиқади.

Ёзувчи «Фасллар» повестида 50-йилларда республикамиз пахтакорларининг мўл пахта ҳосили етиштириш йўлидаги шижоатли меҳнатларини тасвирлайди.

Авторнинг иккинчи повести «Ёшликда берган кўнгил»да ёшларнинг соф севги, муҳаббат йўлидаги курашлари, турмушга, оилага нисбатан бўлган янгича муносабатлари улуғланади. Асар воқеалари «фасллар»нинг гўё давомидек, фақат энди бошқа ерда, бошқача шароитда, ўзга характерлар кураши жараёнида кечади.

Ёзувчининг маҳорати алоҳида шахсларнинг индивидуал хусусиятларини тасвирлаш орқали совет воқелигини ва совет кишиларининг олийжаноб фазилатларини очишда янада яққол кўзга ташланади.

Ҳабиб Нуъмоннинг ёзувчилик маҳорати асардан-асарга ўсиб борди. Унинг журналист Аҳмад Шорахмедов билан ҳамкорликда ёзган республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев ҳақидаги тарихий «Ота» романи ёзувчининг ижодий фаолиятида катта аҳамият касб этди. «Ота» романи икки китобдан иборат бўлиб, унда Ўзбекистонда асримиз бошидан йигирманчи йиллар охиригача кечган воқеалар: халқимизнинг инқилобдан аввалги ва кейинги ҳаёти, Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларни озодликка чиқариш йўлидаги кураши, ер-сув ислоҳоти, колхоз қурилишининг дастлабки даврлари ўзбек элининг содиқ фарзанди Йўлдош Охунбобоев образи орқали бадиий умумлаштириб, жонли лавҳаларда тасвир этилади. Романда республикамизнинг биринчи оқсоқоли—Йўлдош Охунбобоев образи бадиий умумлашма даражасига кўтарилганлиги ҳам авторларнинг ижодий ютуғидир.

Ҳабиб Нуъмон сўнгги йилларда «оқ олтин» яратаётган республикамиз пахтакорлари ҳаётини, уларнинг шарафли меҳнатларини тараннум этувчи «Оқ олтин» романи устида ишлаётган эди. Афсуски, шафқатсиз ўлим ёзувчига ўз ниятларини рўёбга чиқаришга имкон бермади. Асарнинг каттагина қисми ёзилиб бўлган эди. У, гарчи тамомланмаган бўлса ҳам, 1978 йилда «Қишлоқ ҳақиқати»—«Селькая правда» республика газеталарида рус ва ўзбек тилларида тўлалигича босилиб чиқди ва кенг китобхонлар оммаси томонидан яхши кутиб олинди.

Ҳаётий воқеа-ҳодисалар моҳиятини чуқур англаш, улардан тўғри хулосалар чиқара билиш, унга замон руҳини, давр талабини сингдира олиш, ҳодисани жўшқин ривожлантириб, китобхонда унга ишонч, муҳаббат ёки нафрат уйғотиш ёзувчи-журналист Ҳабиб Нуъмон ижодига хос хусусиятлардан эди.

Ҳабиб Нуъмон ўзининг бой журналистик ва ёзувчилик тажрибасини доим дўстлари билан ўртоқлашар, ёш қаламкашларни меҳр-муҳаббат ва қунт билан тарбияларди.

Партия ва ҳукумат Ҳабиб Нуъмоннинг ижодий фаолиятини юксак баҳолаб, уни СССР орден ва медаллари ҳамда Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлаган эди. Адибнинг асарлари бундан кейин ҳам китобхонларни ҳаяжонга солишига ишонамиз.

С. АБДУКАРИМОВ.

Ҳабиб НУЪМОН

Ён дафтардаги ёзувлардан...

Мен ёзиш сирини биринчи бор Абдулла Қодирий (Жулқунбой)дан ўрганганман. Унинг юморга бой, сермулоҳаза ҳикоя ва ҳажвиялари, «Ўтган кунлар» ва «Меҳроб-дан чаён» романлари менинг ёзувчилар даргоҳига кириб келишимда дастуруламал бўлиб хизмат қилган.

* * *

Ҳаётнинг аччиқ онлари-ю, лаззатли дамларини меъёрда кечира олган кишигина баркамол инсондир.

Бир донишмандан «Сиз нимадан жуда қўрқасиз?» деб сўрабдилар.

Донишманд жавоб берибди:

— Игво ва туҳматдан.

* * *

Дўстига хиёнат қилган кишига Ватанига, халқига хиёнат қилмайди, деб ҳеч ким кафолат бермаса керак.

* * *

Биз онамиздан умрбод қарздормиз. Зеро, она сўнгги нафаси чиқаётганда ҳам болам, дейди. Менинг онам ўша куни «Болам, кеча бошим оғриятти», деяётган эдинг. Тузукмисан. Ўзингни эҳтиёт қил!»— деб мангалимни силаган ва орадан ярим соатлар чамаси ўтмай жон берган эдилар.

* * *

Ўз дардини унутиб, фарзандини ўйлаш фақат оналаргагина хос фазилатдир.

* * *

Онам — Ватаним! Кўксингда бир томчи қон бўлиб кўпирсам, қурашсам, меҳнат қилсам— бу менинг энг эзгу умдим.

* * *

Шахмат — бу фақат доналарнинг тахта устида ўйнаши эмас, рақиблар ўртасидаги руҳий жанг ҳамдир.

* * *

Устозга фарзанддан кўра кўпроқ шогирдидан буюради.

* * *

Журналист учун аввал факт керак, сўнг мушоҳада.

* * *

Ёмон келин яхши қайнона бўлолмайди.

* * *

Бошнинг оғриши унинг борлиғидан далолатдир.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЗЕРВИ

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг шарқий районлари республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун ғоят катта резервдир. Ушбу регионни комплекс тадқиқ этиб бўлган монгол мутахассислари шундай хулосага келдилар. Ҳозир улар совет ҳамкасблари билан биргаликда ўлкани комплекс ўзлаштириш ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш йўли билан таъминланади. Шу мақсадда электрон саноатини ривожлантириш учун 2 баравардан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Тармоқ маҳсулотининг жами ўсиши салкам 20 миллиард лейлик бўлади.

ТЕХНОЛОГИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

БУХАРЕСТ. Руминиянинг химия саноати корхоналарида технология жараёнларини бошқариш учун «Индепендент — 100» ва «Экаром—800» электрон ҳисоб машиналаридан фойдаланила бошланди. Электрон ҳисоб машиналарини қўлланиш туфайли ҳар бир химия қурилмасининг қуввати ўрта ҳисобда 3 процент ошмоқда.

Шу беш йилликда Руминияда моддий ишлаб чиқариш барча соҳаларидаги самарадорликнинг ўсиши асосан технология жараёнларини автоматлаштириш, кибернетика ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш йўли билан таъминланади. Шу мақсадда электрон саноатини ривожлантириш учун 2 баравардан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Тармоқ маҳсулотининг жами ўсиши салкам 20 миллиард лейлик бўлади.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтида қишлоқ ихтирочилари эришган муваффақиятлар ва яратган янгиликларни оммалаштирувчи марказ ташкил этилди. Ў мамлакатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари ва давлат хўжалигидаги новаторлар билан илғорларнинг ўз тажрибаларини ўртоқлашадиган жойи булиб қолади. Марказ ихтирочилик таклифларини жорий этишда хўжаликларга ёрдам бериб туради.

Ҳозирги вақтда қишлоқ новаторлари меҳнат самарадорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Қишлоқ рационализаторлари сафларида 100 мингдан ортиқ киши бор.

⁂

УЛАН-БАТОР. Монгол ва совет бинокорлари интернационал коллективи Улан-Батор трикотаж фабрикасининг асосий корпусларини ва ёрдамчи объектларини қуриб битказди. Бу янги корхонани келгуси йилда қуриш мўлжалланган эди, аммо қурувчилар фабрикани тарихий воқеа—СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида уни фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. Тармоқдаги шу энг катта корхона лойиҳада белгиланган қувватга етказилгандан кейин ҳар йили 1 миллион дона ҳар хил трикотаж буюмлар чиқара бошлайди.

⁂

СОФИЯ. А. Иванов номли оғир машинасозлик заводи конвейеридан ҳаммаси бўлиб 300 минг рўзғор холодильники чиқарилди. Корхона Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар таъсис этган халқаро инвестиция банки маблағи ҳисобига тубдан реконструкция қилинган ва янгиланганган кейин шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Завод хилма-хил замонавий рўзғор холодильниклари билан бир қаторда музхоналар, магазинлар учун музлатиш ускуналари, кондиционерлар чиқара бошлади. Бу маҳсулотнинг кўп қисми социалистик мамлакатларга экспорт қилинади.

⁂

САН-ФРАНЦИСКО. «Барраттдивелопментс» фирмаси АҚШда ғоят оғир уй-жой танқислигини, ижара ҳақининг узлуксиз ошаётганлигини бартараф этиш учун «митти уйлар» қуришни таклиф этди. «Сан-Франциско кроникл» газетасининг хабар беришича, фирма яқинда Сан-Франциско шаҳри ёнида саҳни 2 та машина сиғадиган гараж майдонига тенг келадиган биричи уй-жой биноларини қуришга киришмоқчи. Аҳоли учун мўлжалланган мана шу митти уйлар ҳам 50 минг доллардан қимматроқ бўлади.

⁂

НЬЮ-ЙОРК. Шаҳарнинг иқтисодий ва молиявий аҳволи яқин йиллар ичида янада оғирлашади. Муниципал бюджет бошқармасининг АҚШ молия министрлиги учун доклад тайёрлаган кишилар шундай хулосага келди.

Бунга социал программаларга ва шаҳарларга ёрдам тариқасида ажратиладиган федерал маблағларнинг ғоят камайтирилганлиги сабаб бўлди. Жумладан, муниципал хизмат ҳажми, шунингдек транспорт хизмати анча қисқаради, дейилади докладда. Маъмуриятнинг шундай сиёсати натижасида 1983 молия йилида муниципал бюджет лойиҳаси 834 миллион доллар миқдорида камомат бўлишини назарда тутади.

⁂

ТОКИО. Япониянинг Осака шаҳри меҳнаткашлари «Қуролланиш пойгасига чек қўйилсин!», «Солиқлар камайтирилсин!» деган шиор остида оммавий намойиш ўтказдилар. Мамлакатнинг энг катта саноат марказларидан биринг 54 минг ишчи ва хизматчиси либерал демократик партия ҳукуматидан ҳарбий ҳаражатларни камайтиришни, мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, ишчиларни иш билан муқим таъминлаш, халқнинг турмушини яхшилаш учун амалий чоралар кўришни талаб қилдилар. Япония меҳнаткашларининг монополиялар ва маъмурлар олиб бораётган ишчиларга қарши сиёсатига аньанавий кўклам юриши доирасида уюштирилган намойишларнинг иштирокчилари ўз талаблари қондирилишига эришишга қатъий аҳд қилдилар.



БОШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА

КОРХОНАНИНГ ЯНГИ КОМПЛЕКСИ

Мамлакат тракторсозлигининг улкан корхоналаридан ҳисобланган Тошкент трактор заводи пахтачилик учун серунум тракторлар ишлаб чиқаришда ягона бўлиб, бу ерда тайёрланаётган замонавий механизмлар фақат пахтачилик республикаларидагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам машҳур. Кейинги йилларда корхона маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ошиб бормоқда. Айни пайтда пахтачилик учун ихтисослашган, ҳар томонлама қудратли тракторлар тайёрлаш ҳажмини кенгайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ана шу мақсадда шу кунларда Тошкент трактор заводини кенгайтириш, бу ерда янги қуюв комплексини бунёд этиш ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Заводни кенгайтириш ва бу ерда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни масаласи КПСС XXVI съезди қарорларида ҳам кўзда тутилган. Шунга асосан шу беш йилликда корхонада янги қуюв комплекси фойдаланишга топширилиб, ҳозир бу ерда йиғилаётган 80 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқариш камайиб, янги типдаги 100 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Янги қуюв комплексидаги ишлаб чиқариш цехлари, маъмурий-хўжалик корпуслари ва бошқа ёрдамчи иншоотлар лойиҳаси пойтахтимиздаги «Узгипротяжпром» институтида пайдар-пай тайёрлаб берилмоқда.

Институтнинг лойиҳа бош инженери Н. С. Гончаров ва лойиҳа бош архитектори С. Сандазимовлар раҳбарлигидаги авторлар коллективи корхонанинг ёрдамчи цехлари маъмурий-хўжалик корпуси лойиҳасини тайёрлаб бўлдилар. Ушбу лойиҳага асосан ҳозир қад кўтараётган бу корпус 4 қаватли бўлиб унда цех маъмурияти, маиший хоналар, ишчилар ювинадиган, кийимларни алмаштирадиган хоналар жойлашади. Тўрт қаватли бинога туташ икки қаватли ошхона комплексида ҳам завод ишчилари учун бир қатор қулайликлар муҳайё этилади. Масалан, 220 ўринли ошхонада пархез таомлар зали бўлиши ҳам кўзда тутилган.

Янги корпус завод территориясида, янги кўча томонда бўлиб, унга кириб-чиқиш корхона территорияси орқали ташкил этилади. Келгусида ана шу тўрт қаватли маъмурий хўжалик корпусининг ўнг томонида қуриладиган яна бир осмонўпар бинони лойиҳалаш мўлжалланган. Истиқбол режаларига мувофиқ бинода илмий тадқиқот ишлари олиб борадиган тракторсозлик маркази жойлашиши кўзда тутилган.

Тошкент трактор заводининг замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган янги қуюв комплекси пахтачилик учун янада серунум, қудратли тракторлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, унинг ҳажмини кескин ошириш имконини беради.

СУРАТДА: «Узгипротяжпром» лойиҳалаш институтида яратилган Тошкент трактор заводи янги қуюв комплексининг ёрдамчи цехлари маъмурий-хўжалик корпуси эскизи.

И. Шоногомов фотоси.

Шанба оқшоми

НАБОТОТ ТУҲФАСИ

Бинафша атри

Баҳор кишиларга қучоқ-қучоқ гулу-чечак, ложувард янглиг осмон, маржон-маржон ғунчалари, қувли турфа қушлар нағмаси, покиза, илиқ нафаси билангина эмас, қатор-қатор ўзгача байрамлари билан ҳам «аслзода» фасл.

Дил ва кўнгил тугунларини ечиб, ўзгача жозибаси билан инсон кайфиятини нечоғлик зиёда қилувчи баҳор элчиси—бинафшани ким билмайди дейсиз!

Бинафша атри нуроний кексалардан тортиб, сочи жамалак қизалоқларгача, лочин шуқорлардан тортиб, барчин чеҳра аёлларнинг нигоҳини асир этиб, ўзини сеҳрлаб қўяди.

Бинафшанинг кишини ром этувчи анвойи ҳиди, кўхлук-нозик қоматидан бўлак яна анчагина шифобахш хоссаятлари борки, уларнинг баъзисини санаб ўтмаслан бўлмайди.

Халқ табобатининг билимдони А. П. Поповнинг берган маълумотларида бинафша ўти ҳамда унинг илдизларида сапонин моддаси салмоқли миқдорда бўлганлиги туфайли, шунингдек унда виолин алкоилоиди қайт қилдириш, балғам кўчириш қобилиятига эга бўлганлиги учун ўпка хасталикларида, қизамиқда фойдаланилса, даврда енгиллик беради. Қайнатма турпи илиқ ҳолида иситувчи компресс воситасини ўташи мумкин.

Бинафша асосида тайёрланган қайнатма юқори нафас йўлларининг шамоллаши билан боғлиқ бўлган хасталикларда, жумладан грипп, ангина ва бошқа касалликларда ғарғара қилиш лозим топилади.

Шуни айтиш керакки, бинафшани ўта анвойи ҳамда шифобахш бўлиши, унинг таркибидаги фойдали моддалар билан исботланади. Жумладан, унинг таркибида эфир мойлари, виолин алкоилоиди, сапонинлар, салицил ва узум кислотаси, флавоноидлар (рутин), витамини С, минерал тузлар ва яна бир қатор фойдали омиллар бор.

Баҳор даракчиси бинафша беғор чечаклардан бўлганлиги туфайли уни маданий ҳолда экиб кўпайтириш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Бир жуфт бинафша атри ҳар қандай кўнгил ғуборидан фориғ этиб, кайфиятни зиёда этмай қўймайди.

Д. ХЎЖАЕВА,
доришунос.

БАҲОР, СОҒИНТИРИБ КЕЛИШИНГ ЯХШИ

(НАВРЎЗ МАДҲИ)

Табиатнинг ҳали кўзга илғанмаган ранглари баҳорда жилваланади. Ёшлик —бу инсон умрининг баҳори! Бу ўхшатиш замирида катта ҳақиқат бор.

Баҳор — йилнинг қолган уч фасли ҳақидаги ўйлар, ишлар билан тўлишади. Ёшлик ҳар бир навқирон учун ўз эртанги куни заминини, эртасидан дарак берувчи, индинига асос бўлувчи давр. Ёшликда олинган ҳунар ва билим эртанги салмоқли кашфиёт учун пойдевордир. Бизнинг даврмизда ёшлик катта эътибор ва садоқат билан ардоқланади. Баҳор келиши биланоқ ёшлар тугул, ўғил уйлантира бериб, келин тушира бериб сочини оқ қоплаган қариялар ҳам уйга сиғмай қолишади. Бу —баҳорнинг одамзодга яшаш, яратиш ато қилишининг дарагидир.

Деҳқоннинг фикризикри далада. Қўй-қўзиларнинг маъраши кирувқўрни қоплади. Бу— баҳор келишининг белгисидир. Ҳали увиз сутига тўйиб улғурмаган қулун сайҳон бўйлаб чопиб, ўйноқлайди. Бу— баҳор нафасининг шарофатидир.

Чўпонлар қиш либосларини ташлаб, кўксини тоғ шамолига тутиб яйрашади. Қор билан қопланиб ётган тоғ ўнгирларида келинчак сингари бойчечак кўриниш берди. Демак, ҳа демай қалдиргоч келади. Биров тоққа чиқиб, исмалоқ сомса билан «ялпиз маста»лашиб келганлигидан ғурурланиб гаширса, биров равочхўрликка тайёргарлик кўришаётганлиг и н и сўйлайди. Булар баҳорнинг одамзодга атаб ола келган нознеъматларидир.

... Қайнаналар келинлари учун ўсма экишади. Ҳа демай гуркираб кетади деб. Буларнинг ҳаммаси баҳор нишоналари. Баҳорнинг соғинтириб келиш аломатларидир.

Ўзўзидан маълумки, баҳор билан наврўз эгизакдир. Баъзилар савол беришади: «Наврўз байрами қачондан бери нишоналанянти?».

Наврўз— бу, янги кун, деган маъпони англатади. Аслида наврўз форс-тожикча сўздир. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий, анъанавий янги йил байрами —бу наврўз байрамидир. Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келиши йил боши ҳисобланган. Бу эски қуёш йили ҳисобида фарвардин ойининг аввалига (22 март) — кеча билан кундузнинг тенглашган вақти ва кундузнинг узая бошланиши, табиатда жонланиш, баҳорнинг бошланиши даврига тўғри келади. Буни оммавий Наврўз байрами деийшган.

Наврўз байрамида уй-жойларни, боғ-роғларни тозалашган, кўчат ва гуллар экишган. Ота-она ва яқин кишилар билан дийдорлашиб келишган. Марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилиш кабилар оддий халқ орасида ҳам одат бўлган. Тожик ва Эрон халқларида Наврўз байрами дастурхонига номи «С» ҳарфидан бошланадиган етти ҳил овқат қўйиш («хафтсин») одати бор.

Бошқа халқлар сингари ўзбеклар ҳам бу кунни қадим замонлардан буён янги йилнинг бошланиши деб қувонч билан қарши олганлар. Наврўз байрамининг бошланишидан бир неча кун илгари тайёргарлик кўрилган. Одамда Наврўз байрамидан ўн беш кун олдин буғдой ёки арпа ундириб қўйилган ва унинг майсасидан Наврўз байрами кунлари сумалак қилинган.

Ёшлар байрам кечаси билан ухламасдан эртак ва ҳикоялар айтишиб, ўйин-кулги билан кутиб олишган. Байрамнинг биринчи куни отчопар, улоқ, кураш сингари ўйинлар, сайллар ўтказилади. Ёшлар баҳор ҳақида қўшиқ айтади. Наврўз байрамида кўк чўчвара, ялпиз сомса каби тансиқ таомлар пиширилади.

Наврўз меҳнат байрами, деҳқончилик ишларини бошлаш байрамидир.

Октябрь революциясидан кейин Ўрта Осиё ва Озарбайжонда Наврўз байрами халқ ўртасида баҳор байрами бўлиб келмоқда. Бу байрам 70-йиллардан бошлаб Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида анъанавий тарзда нишонланяпти. Яқин Шарқ мамлакатларида Наврўз байрами расмий янги йил байрами ва йил боши ҳисобланади...

Шошмақомнинг наср деб аталадиган шўбалари қаторида Наврўзи Сабо, Наврўзи ажам ва Наврўзи хоро учрайди.

Баҳор келиши бутун тирик мавжудотга, одами оламга сирли, ҳисли, туйғули туюлади. Бизнинг севинч кутганимиз баҳор ва наврўз меҳнат ва муҳаббат билан эгизакдир. Баҳор — яхшилик, яшиллик деган сўздир. Баҳор яшаш, яшариш билан айрилмас туйғудир.

Такрор-такрор шу қўшиқни беихтиёр қуйлаб юборганингни сезмайсан сира:

Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанча ол,
Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
То ўлгунча шу ўлкада қол.

О. КАРИМОВА.

ҚИЗ ҚАЛБИ

(ЭТЮД)

Сен келдинг. Назаримда мен учун ўзинг билан бирга бахтушодликни етаклаб келгандек эдинг.

Бу пайтда мен иш билан машғул эдим. Деразадан ташқарига боқиб сени кўрдиму юрагим уриб кетди. Оҳ, азизим шу пайтда билсанг эди, кўзларимдан нур, лабларимдан табассум аримасди. Руҳим шу қадар шод эдики, назаримда мендаги шодликлар сенга ҳам кўчгандек эди.

Мен ҳозир эшик очилиб сени кулиб киришингни, саломлашиб хол-аҳвол сўрашингни кутгандим. Лекин сен хонага қандайдир лоқайдлик билан кириб келдинг. Дўстларинг билан сўрашиб, менга парво ҳам қилмадинг. Гўёки шу хонада мен йўқдек, ҳатто саломлашмадинг ҳам. Шу пайтда билсанг эди, мен қандай аҳволга тушганлигимни, кўзларимдан алам ёшлари оқиб кетди. Биллитирмай артиб олдим. Мен келишингни қанчалар орзиқиб кутганлигимни билсанг эди. Йўқ, сен билмайсан, билганингда мен билан сўрашиб шодлигимга шерик бўлардинг. Ҳар оқшом кўчага тикилиб сени, эшитяпсанми ёлғиз сени кутардим.

Сеннинг кулган чеҳрангни, меҳр билан порлаб турган кўзларингни кўришни, суҳбатингни эшитишни истардим.

Сен кетдинг. Ҳатто, мен билан хайрлашмай кетдинг. Мен сени фақат орқангдангина маъюс кузатиб қолдим. Ичимдан кучли хўрсиниқ келди, кўзларимдан алам ёшлари оқиб, юзларимни ювди. Лекин сен қиз қалбини билмадинг, худди парво қилмагандек кетдинг. Мен ўз хонамга кирдиму хўнграб йиғлаб юбордим.

Сен кетдинг, аммо қалбимни, севгимни ўзинг билан бирга узоқ-узоқларга олиб кетдинг.

Клара РАСУЛОВА.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Немис хандалари

— Эшитяпсанми, Карл, кеча мен сенинг хотинингни тушимда кўрибман.

— Хўш, сенга нима деб қичқирди?

— Ҳеч нарса деб қичқиргани йўқ.

— Унда адашибсан дўстим, у менинг хотиним эмас.

* * *

Икки овчи сухбатлашиб қолишди:

— Биласанми, дўстим, бугун иккита тустовқни ўриб қолсам бўладими?

— Оббо, сен-эй, хўш, қалай, уриб туширдингми?

— Қаерда дейсан, чўнтагимда бир тийин ҳам пулим йўқ экан.

* * *

Куттерлар оиласи зоопаркка боришди. Шунда кичкина Инзе илтимос қилди:

— Ойижон, мен эшакнинг устига миниб олмоқчиман.

— Отто,—деди хотини эрига, — нима бало, қулоғинг том битганми, қизингни бўйнингга миндириб олсанг-чи.

∴ ∴ ∴

— Қачон столга ўтириб энди иш бошлай десам, доимо нимадир етишмай туради-да.

— Нима етишмаяпти сенга, жоним?

— Нима эди, анави отинг қурғур, шишанинг оғзини очадиган бор-ку...

∴ ∴ ∴

— Аёлларимиз киприкларини бўягани сизга ёқадими, йўқми?

— Ёқишгаку ёқмайди, аммо бунинг бир яхши томони бор. Улар бўлар-бўлмасга кўз ёш тўкишдан қўрқишади.

* * *

— Уялмайсанми ўғлим, глобусинг шундай чанг босиб кетибди-ку.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, дадажон, Сиз ахир бармоғингиз билан сахрони босиб турибсиз-ку.

Немисчадан
Й. ПАРДАЕВ таржимаси.

— Пешонадан соч кетиб қолибди-ку, оғайни.

— Хотиндан бугун ҳам калтак ебсиз-ку, оғайни.

— Ранг кўр, ҳол сўр.

— Узларидан сўрасак: соч ўримга келиб қолибди-ку.

— Менга ноштекс келтирибсанку.

— Йўқ, хўжайин, бифштекс денг.

— Зап биз дам оладиган жой бўлибдими?

М. Унгаров расмлари.

АЖАБ ДУНЕ ЭКАН

«Олтин» курка

Гомель шаҳрида яшовчи В. Ходос фамилияли харидор курка сотиб олиш мақсадида шаҳар бозорида куркаларни кўриб юрар эди. Курка гўштидан тайёрланган таом унга хуш келар эди. Шунда бир курка эгаси уни олдига чақириб: —«Сира иккиланмасдан шу куркани олинг. Маза қиласиз. Ўзиям олтин куркада!»—деди мақтаниб.

Харидор уйига келиб куркани сўйган чоғида қуш эгасининг юқоридаги сўзини яна бир бор эслади. Курка бўғзига эндигина пичоқ урилган эди, пичоқ бир нарсага «тиқ» этиб теккан ек бўлди. Курка қорни ёрилганда, унинг ошқозонида унча катта бўлмаган олтин соат ётар эди. Бу антиқа ҳодисадан оғзи ланг очилиб қолган харидор нима қилишни билмай уйга чўмди. «—Соат эгасини қаердан топсам экан?!».

∴ ∴ ∴

Диктант ёзилаётган Э Д И...

Киров область Юрья район марказидаги 1-мактабнинг 6-«А» синф ўқувчилари партада эгилиб оппоқ дафтар бетига диктант ёзишаётган эди. Шу пайт тўсатдан синф дераза-сидаги ойнанинг «шарақ» этиб синган овози эшитилди ва синфга ваҳший қуш — калхат учиб кирди. У ўз оёғи панжаларига бир қарғани маҳкам қисиб олган эди.

Маълум бўлишича, қарға ўз душманидан яшириниш учун ўзини қоронғига — дераза пештоқига урган, бир оз ожизлик қилган эди.

Ю. АҲРОРОВ.

• Ҳикмат гуллари

Доноларнинг ақл чироғи

ТЎҒРИ СЎЗЛИК ҲАҚИДА

Тўғри сўзли киши барчанинг диққат-эътиборини қозонади, яхши ишидан янада буюқроқ ишларга тавсия этилади, қадри-қиммат ортади, ҳамма ерда сўзи мақбул бўлади. Ёлғончи эса бу фазилатларнинг барчасидан маҳрум бўлиб, унинг орқасидан одамлар нафрат билан қарашади. Ёлғончи ёлғон сўзи билан ўзгаларнинг обрўйини тўкмоқчи, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчи бўлади. Ваҳоланки, унинг ёлғон сўзлари ўзи учун зарар бўлиб чиқади.

Тўғри бўлки, ундан топарсан камол,
Тўғрига зарар кам кўрсатур жамол.
Каж[1] бўлсанг бошга тушмас асло ғам.
Тўғри бўлсанг бошга тушмас асло ғам,
Рост йўлдан тойилмай юрса ғар, киши,
Жаҳонда бўлмагай асло ташвиши.
Етоқ шердан айланиб юрувчи ит яхши.
Кўзада нима бўлса ўшанинг ҳиди чиқади.

● Нодон нодон билан дўст бўлса, бунинг асло таажжубли жойи йўқ. Аммо ақлли кишининг нодон билан ҳамсуҳбат бўлиши таажжублидир. Чунки ҳар бир нарса ўзига зид бўлган нарсадан қочади, мос бўлганлари эса яқинлашади.

БАХТСИЗЛИКНИНГ БЕЛГИЛАРИ БАЁНИДА

Бахт емрурр нарсанинг тўрт белгиси,
Танбалу, нодон— бўлардир иккиси,
Бекасу[2] нокас[3] ила бўлди тамом,
Ушбу тўрт нарса нишондур, вассалом.
Кимки обрў деб ғоратлар қилур,
Топган обрўйини ҳам ғорат қилур.
Ҳар киши ўз лаззатини ўйлагай,
Нафснинг айбин, демак, хаспўшлагай.

ТАМАГИРЛИК

● Тамагирлик ёмон хулқлардан ҳисобланади. Тамагир одам ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун турли қабиҳликлардан қайтмайди, ҳеч қандай гуноҳдан қўрқмайди, ёлғон гапиради, ёлғон сўзини исботлаш учун қасам ичади. У ҳар хил ҳийлаларни ўйлаб топади ва ҳаром ейди.

Тўғри юргани-чун ўқ ўз йўлида,
Эъзоз топди кўргил элнинг қўлида.
Дилингни тўғри тут, балодан қўрқма,
Ёқут ич-у, асло вафодан қўрқма[4].
Қандай создир киши кажликдан қочар,
Ростлик ғалабага доим йўл очар!

● Тамагир қўпгина нарсаларга тама қўзи билан қарайди. Бироқ ҳеч нарсага етолмайди, барибир муҳтожликда қолаверади. Бойлик кишини ҳақиқий саодатга етказолмайди. Тамагир эса бахту-саодат кишига олтин-кумуш орқали келади деб ўйлайди. Тама орқали тўпланган молу-давлат тамагирнинг ўзигагина эмас, ҳатто меросхўрларига ҳам яхшилик келтирмайди. Тама—инсоний хислатлардан маҳрум этади.

Нега инсон нафси деб бўлди хароб,
Бошига тушдиғ ани ғам беҳисоб.
Кимни ранжитсанг бориб узрнигни айт,
Чунки душман пойлайди пайт.
Ҳар киши мол ила пул орзу этар,
Бас, қанот-ла бу орзуга етар.

● Кимки ўз ҳаддини билса, тилини сақласа, беҳуда сўзлашдан қоча, дўстларини ҳижолатга солмаса, унинг саломатлиги доимий ва тушаймонлиги эса кам бўлади:

Соғлиғу ёшлигинг бор экан бардам,
Мақсудинг муяссар бўлади ҳар дам.
Шундай яшагинки, иш қилсанг бирор,
Душман таънасини еб юрма зинҳор.

● Жавобга шошилган одам хатога йўл қўяди.

ХАТОЛАР БАЁНИДА

Эй ўғил, тўрт нарсада бордир хато,
Сол қулоғинг, ёдлаб олгин бехато.
Кутмагил ҳеч ёмон хотиндан вафо
Соддадилдур ким вафо кутса хато.
Ким синаб кўрмай бировга сир этар,
Эй ўғил, бундан кишига кўп хатар.
Феъли бад хотин, ўғил, сирдош эмас,
Айтма асрорингникн, йўлдош эмас.

● Кимки сени сенда йўқ чиройли фазилатлар билан мақтаса, демак у сендан розидир. Кимки сени сенда йўқ ёмон хислатлар билан ёмонласа, демак у сендан норозидир.

● Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса ширин.

Сабр қилсанг агар сабрдан бешак,
Давлатинг кўпаяр бунга қилма шак.
Сабрингни қилмасанг суст ила маҳол,
Оҳнста ёр бўлар бахт ила иқбол.
Сабрни ўзинга айла-ю шиор,
Ва сабр бобида турғин барқарор.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

1. Эгри.
2. Кимсасизлик.
3. Одамийликнинг йўқлиги.
4. Вабога қарши табобатда ёқут истеъмол қилинганига ишора.

• Дам олиш соатида

КРОССВОРД

Донра бўйлаб: I. Машҳур француз ёзувчиси. II. А. Навоий замондоши бўлган тарихчи. III. СССРдаги чўл. IV. Адабиётшунос. V. Фазо жисмлари билан шуғулланувчи мутахассис. VI. Ҳожи Аҳмар сценарийси асосида ишланган «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти. VII. СССР космонавт-учувчиларидан («Союз-24») бири. VIII. Сабзавот. IX. Фарғона водийсидаги шаҳар. X. Олий илмий унвон. XI. Японияндаги халқаро астрономик кенглик станцияси. XII. Дарахт тури.

Энига. 1. СССРдаги дарё. 2. Бармоқнинг бир бўғини узунлиги. 6 Ярим орол. 7. Испаниянинг машҳур футбол клуби. 11. М. Лермонтов асари. 12. Таниқли Америка ҳажвчиси. 16. Грузия болалар журнали. 17. Ўзбекистон балиқ саноати ифтиҳори бўлган балиқ.

Бўйига. 3. Войнич романи. 4. Планета. 5. Чоқиқ ҳайвон. 8. Буюк инглиз адиби. 9. Совет автомобиль маркаси. 10. Қардош республика пойтахти. 13. Кичик Осиё ярим оролидаги халқ. 14. Донли экин. 15. Сибирдаги дарё.

Тузувчи: **И. МИРЗАЕВА.**



20 ФЕВРАЛДАГИ ЧАЙНВОРДИНИНГ «ЛАУРЕАТЛАР» ЖАВОБЛАРИ:

1. Аруна. 2. Адҳам Раҳмат. 3. Тамарахоним. 4. Маршак. 5. Карпов. 6. Воҳидов, 7. Валломатзода. 8. Акопян. 9. «Наво». 10. Ойнақулова. 11. Алавия. 12. Яшин. 13. Нигматуллин. 14. Нозим Ҳикмат. 15. Турсунзода.

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга А. Аюбов, А. Орипов, А. Абдуллаев, Г. Олимжонова, Х. Бойтуллаев, М. Ғиёсиддинов, М. Йўлдошева, Х. Набиев, Ю. Ҳошимова, М. Равшанов, О. Обидов ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. МАМЕТОВА: Мен илгари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлардим. Ёш болаларим бўлгани учун у ердан бўшашга тўғри келди. Ҳозир уйдаман. Шаҳарда уйда ўтириб ишлаш мумкин бўлган корхона борми?

Жавоб: Шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикаси, маҳаллий саноат бошқармасига қарашли «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, кўнгалантерея фабрикаси, кенг истеъмол буюмлари фабрикаси каби бир қатор корхоналарда кишиларнинг уйда ўтириб ишлашлари учун шароит яратилган.

Бундай ишчилар «надомник» деб аталади. Уйда ишлайдиган ишчилар корхонада ишлайдиган ишчилар билан тенг ҳуқуқ ва эга бўладилар. Улар ҳом ашё, зарур асбоб-анжомлар билан таъминланадилар, бетоб бўлганларида касаллик варақаси очдириш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнатларига ишбай усулида ҳақ тўланади.

Хоҳлаган киши юқоридаги корхоналарнинг бирортасига бемалол кириб, уйда ишлайвериши мумкин. Меҳнатнинг бу усули айнан ёш болали аёллар, пенсионерлар ва нивалидларни назарда тутиб ташкил этилган.

* * *

М. МИРСАЛИМОВА: Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тўлиқ ўн бир ой ишладим. Энди бу корхонадан онлавий сабаб туфайли бўшамоқчиман. Агар мен ариза бериб ишдан бўшасам отпуска ҳақим сақланадими?

Жавоб: Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга ишлаган кунлари учун тўланмаган маоши ва фойдаланилмаган отпуска учун компенсация тўланиши керак.

Ўзбекистон ССР нинг Меҳнат Қонунлари тўғрисидаги Кодексининг 36-моддасида кўзда тутилган ҳолларда ишчи ва хизматчиларга икки ҳафталик ўртача иш ҳаки ҳажмида пул берилади. Бундай пул ходим ҳарбий хизматга чақириладиган ёки жойлашганда, корхона тугатилганда, ходимлар штати ёки миқдори қисқарганда, ходим корхона билан бирга бошқа жойга ўтишни истамаганда, ишчи ва хизматчининг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки бетоблиги натижасида унинг эгаллаб турган вазифасига ёки бажариб турган ишига нолойиқлиги аниқланганда берилади.

* * *

Ж. БОГБЕКОВ: Биз уч киши Сергели мебель комбинатининг таъминот бўлимида юкчи бўлиб ишлаймиз. Яқинда шериқларимиздан бири бир ойлик ўқув отпускасига кетди. Эндиликда икки ишчи илгари уч киши бажарган ишни қиляпмиз. Ишимиз эса вақтбай-мукофотли ҳисобланади. Бизга бундай ҳолларда қандай ҳақ тўланади?

Жавоб: Вақтбай ишлайдиган ишчилар ўз вазифаларини бажаришдан ташқари ишга (бетоблиги, отпускадалиги, командировкадалиги ва ҳоказо сабаблар билан) келмаган ходимлар ўрнига ҳам ишлаганда бажарилган иш ҳажми аниқланиб, ҳақ тўланади. Бунда қўшимча ҳақ неча киши ўртасида бўлишидан қатъий назар ишга келмаган ишчи тариф ставкаси (оклади)нинг 50 процентидан ошмаслиги керак.

Асосий ишдан озод этилмаган вақтбай ишловчи ходимларга ишчи миқдори беш нафардан ортиқ бўлган бригадага раҳбарлик қилгани учун тариф ставкаси (оклади)нинг 10 проценти ҳажмида қўшимча ҳақ белгиланади. Бунда бригада белгиланган ойлик топшириғини бажарган бўлиши керак.

Редактор
С. М КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет Оқшоми

20 МАРТ, 1982 й.

21 МАРТ — УЙ-ЖОЙ, КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИ КУНИ.

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ ЎЗ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



АГАР СИЗ ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНСАНГИЗ, КЎПГИНА КАТТА ВА КИЧИК ЮМУШЛАРИНГИЗ ТЕЗДА БАЖАРИЛАДИ.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ! ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

СПРАВКАЛАР ХИЗМАТИ

СИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТЕЗДА БИЛИБ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ:

Сизни қизиқтирган кишилар, корхона, муассасаларнинг адреслари;

самолётлар, поездлар ва шаҳар транспортининг ҳаракат жадвали;

Тошкент шаҳри ва Тошкент областида яшовчи гражданларнинг адреслари ва телефонлари;

шаҳар театрлари ва кинотеатрларининг иш соатлари ва репертуарлари;

Сиз пойтахтдаги диққатга сазовор қайси жойлар ва музейларни томоша қилмоқчисиз.

Шаҳарнинг ҳамма районларидаги меҳмонхоналар қошида жойлашган **шаҳар справкалар киоскалари** ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.

Навбатчи киоскалар «Сервис» марказий уйи (Навоий кўчаси, 30«а»-уй)да ва аэропортда жойлашган. Иш соатлари 9.00 дан 20.00 гача.

РЕКЛАМАЛАР БЮРОСИ

ЭЪЛОН ЧИҚАРИШДА ЁРДАМ БЕРАДИ:

Тошкент шаҳрида ва мамлакатнинг истаган шаҳарлари билан уй-жой алмашинуви тўғрисида;

уй, мебеллар сотиш тўғрисида эълонлар беради.

Рекламалар бюроси қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй. Ҳар куни ишлайди. Телефон 33-51-33.

Чилонзор ва Акмал Икромов районларининг аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида ЯНГИ РЕКЛАМАЛАР БЮРОСИ ОЧИЛГАН (Чилонзор массиви, 22-квартал, жамоатчилик савдо маркази). **Ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача** (Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача) ишлайди. Дам олиш кунлари якшанба, душанба.

ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАР ҚИРҚИМИ БЎЛИМИДА

Сизга қуйидагиларни танлаб беришади:

қурилиш, энергетика, транспорт, савдо, адабиёт, санъат масалалари бўйича зарур материалларни.

Хизматнинг бу тури учун корхона раҳбарлари ва шахсий кишилар билан шартномалар тузилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 75-уй. Телефон 56-55-75.

Шаҳарнинг ҳамма районларида

НОТАРИАЛЬ КОНТОРАЛАР МАВЖУД.

Бу конторларда Сизга ҳар қандай ҳужжатлардан: диплом, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, шартнома ва бошқа ҳужжатлардан ёзув машинкасида нусха кўчириб беришади.

Район милиция бўлинмаларининг ПАСПОРТ СТОЛЛАРИ қошида хизмат столи ишлаб турибди. Сизга бу ерда паспорт алмашиш, прописка ўтиш, пропискадан ўчиш ва бошқа бланкаларни тўғри тўлгазиб беришади.

ГАИ участкалари қошида ХИЗМАТ СТОЛЛАРИ очилган.

Бу ерда Сизга техника кўригидан ўтиш, автотранспортни рўйхатга олиш ва рўйхатдан ўчириш тўғрисидаги бланкаларни тўлгазиб беришади.

МУҚОВАЛАШ УСТАХОНАСИ

Муқовалаш устахонасида эскирган китоблар, журнал ва улардан қирқиб олинган варақларни қайтадан муқовалаб беришади.

Бундай хизмат айрим кишиларга ва давлат муассасаларининг кутубхоналарига кўрсатилади.

Устахона адреси: 1-квартал, Лисунов кўчаси, 9-уй (29-трамвай, 30-автобуснинг «Ётоқхона» бекати).

ЧЕГАЛАШ УСТАХОНАЛАРИ

Агар чинни ёки фаянс идишларингиз синиб ярақсиз ҳолга келиб қолса, уларни ташлаб юборишга ошиқманг. Уларни Олой, Бешёғоч ва Октябрь бозорларидаги чегалаш устахоналарида чегалатиш мумкин.

ТИКУВЧИЛИК УСТАХОНАЛАРИ

Аҳолидан (фирма ва буюртмачи материалидан) буюртма тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади;

ҳамма маркадаги автомобиллар учун гилофлар;

парда, дарпардалар тайёрлаб берилади.

УСТАХОНАЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ:

Каблуков кўчаси, 17-уй;

Халқлар дўстлиги проспекти, 2«а»-уй (метронинг «Ҳамза» станцияси). Телефон 77-84-10.

Ж. Обидова кўчаси, 141-уй (2, 16-трамвайлар, 19-автобуснинг «Узбексельмаш» заводи бекати).

Устахоналар соат 9 дан 18.00гача ишлайди. Дам олиш кунлари якшанба ва душанба.

ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР БЮРОСИ

Оилавий маросимлар бюросидан ёш келин-куёвлар тўйларда кийиладиган кўйлак, костюм, тўрларни прокатга олишлари мумкин.

Бюро «СЕРВИС» марказий уйида жойлашган.

АГАР СИЗ ТАБРИКЛАШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ

Агар Сиз дўстларингизни, ҳамкасбларингизни байрам ёки юбилей билан табриклашмоқчисиз-у, лекин уни шахсан амалга оширишга имкониятингиз йўқ бўлмасангиз.

«СЕРВИС» фирмаси Сизга ёрдамга келади.

«СЕРВИС» марказий уйининг ходимлари белгиланган кун ва соатда кўрсатилган адресга гул, торт, шампань вино, конфетларни келтириб тақдим этади.

ЯНГИ УЙГА КЎЧГАНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЮРОСИ

Фирманинг малакали ходимлари Сизга эшикка гилоф қоплаш, қулф-қалит ва кўз ўрнатиш каби кўпгина ишларни бажаришда ёрдам кўрсатишади.

Буюртмалар «СЕРВИС» Марказий уйида ёки 44-28-01, 44-63-15, 44-61-45, 44-65-04 телефонлари бўйича қабул қилинади.

ХОНАНГИЗНИ САРАНЖОМ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Агар Сиз квартирангизни йиғиштирмоқчи бўлсангиз, юқорида кўрсатилган телефонларга қўнғироқ қилинг, фирма ходимлари Сиз айтган пайтингизга ҳузурингизда ҳозиру нозир бўладилар.

Агар аниқ вазнингизни билишни истасангиз шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғлари ва ҳиёбонларда ўрнатилган медицина торозуларидан фойдаланинг.

МАССАЖ ХОНАСИ

Агар Сиз массаж курсини қабул қилмоқчи бўлсангиз «СЕРВИС» марказий уйи қошида (Навоий кўчаси, 30«а»-уй) яқинда очилган махсус массаж хонасига мурожаат қилинг.

Иш соатлари 9.00 дан 14.30 гача ва 16.00 дан 20.00 гача. Дам олиш кунлари якшанба, душанба.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

Авансозлар шаҳарчасидаги жамоатчилик савдо марказида

КОМПЛЕКС ҚАБУЛ ПУНКТИ

(Лисунов кўчаси, 4-квартал, 48, 72, 80-автобусларнинг «Савдо маркази» бекати)

ХИЗМАТНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

химиявий тозалаш ва ювиш;

якка буюртма бўйича пойабзал тикиш ва ремонт қилиш;

устки кийим тикиш;

турли фасонда трикотаж буюмлар (кофта, жемпер, пуловер) тикиб бериш;

металлдан (пойафзал учун пештахта, ошхона столлари, вешалкалар) буюмлар тайёрлаш;

телевизорлар, радиоприёмниклар, кир ювиш машиналари, чанг ютгич ва бошқа буюмларни ремонт қилиш.

Савдо маркази қошида сартарошхона ва прокат пункти ишлаб турибди.

Комплекс қабул пункти, шунингдек «СЕРВИС» марказий уйи қошида ва «Подъёмник» заводи қошида (Полтарацкий кўчаси, 4-уй) ҳам мавжуд.

Бу ерда хизматнинг қуйидаги турларига буюртмалар қабул қилинади.

Химиявий тозалаш ва ювиш;

трикотаждан буюмлар тикиш (жакетлар), жемперлар, пуловерлар);

телевизорлар, радиоприёмниклар ва мураккаб рўзғор техникалари (чанг ютгич ва кир ювиш машиналари);

мебель ва гиламларни тозалаш;

музика асбобларини созлаш;

фото хизмати;

пол тозалаш ишлари.

ЯНГИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ

Фрунзе районидаги «Аския бозори»да;

«Ўзбекистон» заводи ётоқхонаси қошида;

«Бўстон» маҳалласида (Хувайдо кўчаси);

Чарм-галантерея буюмлари ва спорт инвентарларини ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида (7, 15, 16-трамвайлар билан борилади).

ЯНГИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ ОЧИЛГАН

* * *

«СЕРВИС» МАРКАЗИЙ УЙИ Навоий кўчаси, 30«а»-уйда жойлашган.

Иш соатлари соат 10.00 дан 19.00 гача (танаффуссиз ва дам олиш кунисиз) ишлайди. Телефонлар: 44-28-01, 44-61-45, 44-63-15, 44-65-04.

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ТЕЛЕФОНЛАР

ТЕЛЕФОНЛАР

4 ТОШКЕНТ бет ОКШОМИ

20 МАРТ, 1982 й.

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

Р — 02650

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-60-50.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.